O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QORAQALPOG`ISTON RESPUBLIKASI
TO'RTKO'L TUMAN HOKIMINING
Q A R O R I

O'ZBEKISTAN RESPUBLIKASI
QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI
TO'RTKUL RAYON HA`KIMININ'
S H E' S H I M I

231200 . Qoraqalpog'iston Respublikasi . To'rtko'l tumani . To'rtko'l ko'chasi 53
Tel: 532-20-75, 532-20-47, 532-20-37. Faks: 532-30-40

" 23 " январь 2018 йил **№ 96** **Тўрткўл тумани**

Аҳолини ишга жойлаштириш, жамоат ишларига жалб қилиш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6, 97-модда)нинг 17, 22 ва 23-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 май кунги "Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрь кунги 799-сонли қарорининг 3-иловаси билан тасдиқланган "Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисида"ги Режасига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддасига асосланиб, ишсиз фуқароларни жамоат ишларига жалб қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туманда иш билан банд бўлмаган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида:

а) туман бўйича 2018 йилда фуқароларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юбориш ва касбга тайёрлаш бўйича назорат кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

б) туман ҳудудида иш изловчи сифатида рўйхатга олинган фуқаролар учун 2018 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил бўйича корхона ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

в) Тўрткўл Қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида 2018 йилда касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш режаси 3-иловага мувофиқ;

г) Туман бўйича 2018 йилда "Аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастури"нинг назорат кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ;

д) Фуқароларни жамоат ишларига жалб қилиш бўйича туман ишчи гуруҳи таркиби 5-иловага мувофиқ;

е) Тўрткўл туманида 2018 йил давомида кам таъминланган оилаларни фарзандларини миллий ва халқ ҳунармандчилигига "Уста-шогирд" анъанаси

бўйича ҳунарга ўргатишни ташкил этиш бўйича режаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар:

а) бюджет ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ишсиз ва банд бўлмаган фуқароларнинг иш ҳақларини 100 фоиз миқдорида маблағлар билан таъминлаш иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат фонди ҳисобидан амалга оширилиши;

Бошқа корхона, тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларига ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ишсиз ва банд бўлмаган фуқароларнинг иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида маблағ билан таъминлаш иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат фонди ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин;

б) касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкиллаштиришга сарфланадиган маблағларни, банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат фонди ҳисобидан амалга оширилиши ҳисобга олинсин.

3. Ишчи гуруҳ аъзоларига:

Фуқароларни жамоат ишларига жалб қилиш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкиллаштириш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкиллаштирадиган корхона ва ташкилотлар томонидан ишсиз деб топилган фуқаролар учун белгилаб қўйилган иш ўринларининг снитария-гигиена қоидаларига ҳамда ўз вазифаларини тўлиқ бажарилишини таъминловчи меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминласин.

4. Туман ишчи гуруҳи (Р.Шамуратов) ва Бандликка кўмаклашиш маркази директори (М.Бекчанов) ушбу қарорни тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарларига етказилишини таъминласин.

5. Туман ҳокимининг 2017 йил 16 февралдаги “Иш билан банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори 2017 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарор “Тўрткўлнома” газетасида расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ёритилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Шамуратов зиммасига юклатилсин.

Тўрткўл тумани ҳокими: **Н.Худайбергенов**

Тўрткўл тумани ҳокимининг
2018 йил “23” 01
96-сонли қарорига
1-илова

Тўрткўл тумани бўйича 2018 йилда фуқароларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юбориш ва касбга тайёрлаш бўйича назорат кўрсаткичлари

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашади					Касбга тайёрлашга юборилади				
Жами	Шундан				Жами	Шундан			
	I-чорак	II-чорак	III-чорак	IV-чорак		I-чорак	II-чорак	III-чорак	IV-чорак
	сони	сони	сони	сони		сони	сони	сони	сони
612	111	190	200	111	22	0	11	11	0

Тўрткўл тумани хокимининг
2018 йил "23" 01
96-сонли қарорига
2-илова

Туман ҳудудидаги иш изловчи сифатида рўйхатга олинган фуқаролар учун 2018 йил ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича корхона ва ташкилотлар рўйхати

№	Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкиллаштирадиган корхона номи	Жамоат ишларига қатнашувчилари		Жамоат ишларини ташкиллаштириш муддатлари			
		сони	тури	I-чорак	II-чорак	III-чорак	IV-чорак
1	Ибн-Сино ХУЖМШ	10	Таъмирлаш ишлари	10			
2	Кўна Тўрткўлли Шухрат оқсоқол Ф/Х	20	Пилла		20		
3	Чоравадор Ф/Х	10	Пилла		10		
4	Яшнаобод Ф/Х	15	Пилла		15		
5	Ўзбекистон ОФЙ	20	Пилла		20		
6	Пахтачи ОФЙ	20	Пилла		20		
7	Арапбой Жуманов Ф/Х	35	Ўт-чўп тайёрлаш			35	
Жами		130	0	10	85	35	

Тўрткўл тумани ҳокимининг
2018 йил "12" 01
96-сонли қарорига
3-илова

Тўрткўл тумани Қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежида 2018 йилда касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш режаси

№	Касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қиладиган ўқиш жойи	Йиллик касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш	Касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашга муддатлари			
			I-чорак	II-чорак	III-чорак	IV-чорак
			сони	сони	сони	сони
1	Тўрткўл Қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи	22	0	11	11	0

Тўрткўл тумани ҳокимининг
2018 йил “23” 01
96 -сонли қарорига
4-илова

Тўрткўл тумани бўйича 2018 йилда “Аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастури”нинг назорат кўрсаткичлар

№	Туман номи	Бандликка кўмаклашиш марказига учрашувчилар сони					Ишга жолаштирилади					Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашади					Касбга тайёрлашга юборилади				
							Жами	Шундан				Жами	Шундан				Жами	Шундан			
		2018 йилда	I-чорак	II-чорак	III-чорак	IV-чорак		I-чорак	II-чорак	III-чорак	IV-чорак		I-чорак	II-чорак	III-чорак	IV-чорак		I-чорак	II-чорак	III-чорак	IV-чорак
1	Тўрткўл тумани	1611	246	606	531	228	1611	246	606	531	228	612	111	190	200	111	22	0	11	11	0

Тўрткўл тумани ҳокимининг
2018 йил “23” 01
96-сонли қарорига
5-илова

Фуқароларни жамоат ишларига жалб қилиш, касбга тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашни ташкил қилиш бўйича туман ишчи гуруҳи таркиби

1. Шамуратов Р.	- Туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари
2. Х.Ибадуллаева	- Туман ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси, ишчи гуруҳи
3. Бекчанов М.	- Туман Бандликка кўмаклашиш маркази директори, ишчи гуруҳ котиби

АЪЗОЛАРИ:

4. А.Атаджанов	- “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси
5. П.Худайбергенов	- Туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори
6. Ильясов А.	- Туман ички ишлар бўлими бошлиғи
7. Шириев К.	- Туман ижтимоий кўникма маркази бошлиғи
8. Н.Абаев.	- “Тўрткўл оқ олтини” АЖ раиси
9. Ш.Сабуров	- Туман тадбиркорликка кўмаклашиш маркази директори
10. Аллабергенов У.	- “Ёшлар иттифоқи” ЁИҲ туман бўлими раиси
11. Б.Закиржанов	- Бюджетдан ташкари пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиғи

Тўрткўл тумани ҳокимининг
2018 йил “12” 01
96-сонли қарорига
6-илова

Тўрткўл туманида 2018 йил давомида кам таъминланган оилаларни фарзандларини миллий ва халқ ҳунармандчилигига “Уста-шогирд” анъанаси бўйича ҳунарга ўргатишни ташкил этиш бўйича режа

№	Туман, шаҳар номи	“Уста-шогирд” анъанаси бўйича ҳунарга ўргатишни ташкил этган маҳаллалар сони	Касб-ҳунарга ўргатадиган уста ҳунармандлар сони	Жами Январь-декабрь ойларида ҳунар ўрганишга йўналтириладиган йигит қизлар сони
		Дастур	Дастур	Йиллик Дастур
1	Тўрткўл тумани	5	3	15